

## Янги замонавий радар қурилмаси ўрнатилди

Вилоятимиз ҳудудидаги автомобил йўллари инфратузилмасини яхшилаш, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ҳаракат хавфсизлигини тартибга солиш мақсадида қоидабузарликларни фото-видеофиксация қилишга мўлжалланган замонавий радарлар ўрнатилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон туманидаги “Қўқон-Яйпан-Исфара” автомобил йўлининг 7-километрига ҳомийлик асосида “Лочинкўз” радар қурилмаси ўрнатилди.

Эндиликда мазкур қурилма ҳайдовчиларни огоҳликка чорлаб, қоидабузарликларни камайтиришга хизмат қиласди.

**Фарғона вилояти ИИБ Ахборот хизмати**





2023-08-19 16:11:36